# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № _13/1___

(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хақида)

**Фурқат тумани** **« _08__ » _Июнь_ 2022 йил**

***Фурқат тумани Хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси*** номидан Р.Юсупов биринчи томондан ва бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан ***"Қўқон йўл таъмир"МЧЖ*** номидан унинг рахбари **А.Қурбонов** низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Путратчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

## 1. Шартнома предмети.

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан Калдушон **МФЙ қум кўчаси 0.208 км,Обод кўчаси 0.219 км, Олмазор кўчаси 0.200 км, Сой кўчаси 0.300 км,жами 0,927 км ички йўлларини жорий таьмирлаш** ишларини бажаришни ўз зиммасига олади хамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

## 2. Шартнома бахоси.

2.1. Шартнома бахоси **260 928 822 (Икки юз олтмиш миллион тўққиз юз йигирма саккиз минг саккиз юз йигирма икки** ) сўмни ташкил қилади.

## 3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи хисоб рақамига хақ ўтказиб берилади.
3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган холда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади
3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун хисоб-китоб хар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний хисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни хам қушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга хақ тўланмайди.

## 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманниг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.
4.2 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда хақ тўлаши махаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар хақини тўлаб бериш муддати 2 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан хисобга олинади.

## 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:
5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатида ишларни Буюртмачига 30 банк иш кунига топширилиши.
5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш хамда сақлашни амалга ошириш.
5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:
5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объктни қуриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.
5.2. Буюртмачи:
5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.
5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига хақ тўлаш шарт.
5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида объектни қабул қилиши шарт.
5.2.4. Объект бинонинг ичкари кисмида жойлашган бўлса қуриқлаш учун буюртмачи томонидан объектни қуриқлаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

5.2.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётга Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларини талабларига зид келадиган хар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу харакатлар йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

**Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 2 ойгача хақни тўлаб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.2 Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган такдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.

6.4. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган такдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

**6. Форс-мажор холатлари**

7.1.Тарафларнинг бирортаси хам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо бўлган ва уларни олдидан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қушиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши,блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир курсатиши ёки монейлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

**7. Низоларни хал қилиш тартиби**

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида кўрилишига тегишли бўлади.

**9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб хар иккала тараф имзолаган холларда хақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 3 ойдан кўпга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда: Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги карори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга карор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

**10. Бошқа шартлар**

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инжинерлик тизимлари жихозлар материаллар хамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикас етказган холлари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вактдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.
10.4. Агар пудратчи аникланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни хам кушиб камчиликларни бартараф килмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши оркали бартараф қилишига хақли.
10.5. Пудратчи аникланган камчиликлар тасдиклаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафнинг мазкур масала бўйича хужалик судига мурожаат килиш хукукини истисно қилмайди
10.6. Пудратчи курилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим кисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.
10.7. Пудратчининг айби билан объектни куриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади.
10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва хар бир томонда бир нусхадан сакланади.
10.9. Тарафларнинг хохишлари бўйича бошқа шартлар.
10.10.Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва “_31_” декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

## 11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

| «Пудратчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **ҚЎҚОН ЙЎЛ ТАЪМИР МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | ***ФУРҚАТ ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ*** |
| Манзил: Ўзбекистон туман, Яйпан шахар А.Навоий кўчаси 23а- уй | Манзил: фуркат тумани Беш-эчки к-ги |
| | Тел./факс: 73-54-91-392 |
| Тел./факс: + 99 890 508-00-08 | шх/р: 401722860302277065200110013 |
| х/р: **2020 8000 6046 3838 2001** | СТИР: 204 511 194 |
| Банк номи: Ўзсаноаткурилишбанк, Қўкон филиали | ОКОНХ: __________ |
| МФО: 00531 | Ғазна шх/в: 23402000300100001010 |
| СТИР: 300 518 595 | Банкнинг номи: ХККМ марказий банк Тошкент ш. ББ |
| ОКОНХ: 42110 | МФО: 00014 СТИР: 201 122 919 |
| Рахбар: А.Курбонов | Рахбар: Р.Юсупов. |
| м.ў. | м.ў. |

## Хуқуқшунос хулосаси:

Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади ва ушбу шартнома лойихасини имзоласа бўлади.

Хуқуқшунос: ____________

0464

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

**Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga**

"QO'QON YO'L TA'MIR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QO'QON YO'L TA'MIR" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.07.2007 464 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR) 300518595

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, Yaypan, TURKISTON MFY A. NAVOIY 29 A UY,

Guvohnoma: Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ АЙРИМ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН

# ЛИЦЕНЗИЯ

№ 000527

Берилган: **"QO'QON YO'L TA'MIR" MCHJ**
(ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган юридик шахснинг фирма номи)

Лицензия берилган сана (Лицензиялар реестрига киритилган сана):
"10" март 20 21 й.,
(кун, ой (сўз билан), йил)

Лицензия амал қилиш муддати (Лицензиялар реестрига киритилган сана):
"10" март 20 26 й.,
(кун, ой (сўз билан), йил)

Лицензия рақами (Лицензиялар реестридаги ёзув рақами):
№ KB-000527

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): **300 518 595**

Жойлашган манзили (почта манзили): **Фарғона вилояти, Яйпан тумани, Алишер Навоий кўчаси 23 А-уй**

Амалга ошириладиган фаолият турлари (қисмлари): **Кўприклар ва тоннелларни қуриш ва таъмирлаш фаолияти.**

билан шуғулланишга рухсат этади.

Ваколатли шахс **Б.И. Закиров**
(исми, отасининг исми, фамилияси) (имзо)

М.У.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: ______ й. __________ гача узайтирилди.

М.У.

Ваколатли шахс ____________________
(исми, отасининг исми, фамилияси) (имзо)

JRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: BZ3058358313

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**
**FURQAT TUMAN ADLIYA BO‘LIMI**
**YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

151700, Furqat tumani, Mevazor ko‘chasi, 20-uy,
Tel.:(99873) 549 12 47, el. pochta: furqat-t-yurmarkaz@adliya.uz

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

**09.06.2022 yil** **Furqat tumani**

1.Loyihaning turi

**Shartnoma**

2.Loyihaning nomi:

**Furqat tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “Qo’qon yo’l ta’mir” MCHJ o’rtasidagi 13/1-sonli pudrat shartnomasi**

3.Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: Furqat tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 8 iyun kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 8 iyun kuni markazga taqdim qilingan.
4.Loyiha bo‘yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Furqat tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “Qo’qon yo’l ta’mir” MCHJ o’rtasidagi 13/1-sonli pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o‘rganib chiqildi.
O’rganish natijalari bo’yicha ushbu shartnoma loyihasi O’zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va “Xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to’g’risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilganligi ma’lum bo’ldi.
Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra:

## XULOSA

Furqat tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan taqdim etilgan 13/1-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi, yuqoridagilarga asosan mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq.

**Furqat tuman YuXKM**
**bosh yuriskonsulti** **U.Xamidov**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 88164 на приобретение Калдушон МФЙ ички йулларни жорий тамирлаш

Способ проведения электронный

Дата 03.06.2022

Время рассмотрения 03.06.2022 14:29

Конкурсная комиссия Фуркат тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YUSUPOV RAVSHANJON MUROTALIYEVICH | Рахбар камиссия раиси | камиссия раиси |
| **Секретарь комиссии** | QO'CHQAROV BOBORAXIMJON ANVARJON O'G'LI | булим бошлиги | камиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | TURSUNOV RAXIMJON SHOKIROVICH | техник мухандис | камиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | AKBAROV JAXONGIR OLIMOVICH | бош хисобси | камиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV SHAVKATJON NOSIROVICH | омборчи | камиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | XAYDAROV NABIJON NAZIROVICH | бош мухандис камиссия азоси | камиссия азоси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.06.2022 года № лота 88164.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
|---|---|
| Подробное описание | Фуркат тумани Калдушон МФЙ сой кучасини 300 метр, олмазор кучаси 200 метр,Обод кучаси 219 метр,Кум кучаси 208 метр кисмини смета лойиха асосида сифатли асфалтлаш лозим |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 263 620 000.00 |
| Стартовая сумма | 263 620 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувохнома ва солик ИНН кредиторлик карздорлиги тугрисида маълумот ва тижорат таклиф

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солик реквизитлар хамда карздорлик тугрисидаги маълумотнома тижорат таклиф

Обязательность: Не критично

ракамдаги маблагнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Нуксон далолатномасида курсатилган ишларни сифатли бажарилиши хамда маблагининг мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **КУКОН ЙУЛ ТАЪМИР МЧЖ** | 10 | Бажариладиган ишлар муддати сифатига кафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти хисоб ракамдаги маблагнинг мавжудлиги | 9 | Экспертная | | |
| **O'zbekiston TYFUK** | 10 | Хужжатлар мавжуд | 7 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **O'zbekiston TYFUK** | 263 620 000.00 | 263 197 768.00 | 02.06.2022 18:23:34 | 19.83 |
| **КУКОН ЙУЛ ТАЪМИР МЧЖ** | 263 620 000.00 | 260 928 822.00 | 02.06.2022 18:01:50 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **O'zbekiston TYFUK** | 60 | 19.82759 | 79.82759 |
| **КУКОН ЙУЛ ТАЪМИР МЧЖ** | 78 | 20 | 98 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 88164 от 03.06.2022 года на приобретение Калдушон МФЙ ички йулларни жорий тамирлаш определила победителем:

КУКОН ЙУЛ ТАЪМИР МЧЖ
300518595

и резервный исполнитель: O'zbekiston TYFUK (200188282)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YUSUPOV RAVSHANJON MUROTALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV SHAVKATJON NOSIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURSUNOV RAXIMJON SHOKIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | AKBAROV JAXONGIR OLIMOVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | XAYDAROV NABIJON NAZIROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

***Фуркат тумани Ободонлаштириш бошқармаси***

***комиссия раиси :__________Р.Юсупов***

“ _08_ ” июнь 2022 йил

Фуркат тумани “Очиқ портали” оркали Ободонлаштириш бошқармаси томонидан **Калдушон МФЙ Қум кўча 0.208 км,Обод кўчаси 0.219 км, Олмазор 0.200 км,Сой кўчаси 0.300 км, жами 0.927км ички йўлларни жорий таъмирлаш** ишларини амалга ошириш учун 2022 йил “Очиқ портали” маблағларидан (ШХР 401722860302387065200110010) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

**Б А Ё Н И № 1**

**Қатнашдилар:**

**Комиссия раиси ---- Р.Юсупов Фуркат тумани Ободонлаштириш рахбари,**

**Комиссия аъзолари ---- Н.Хайдаров: Бош мухандис,**

**Р.Турсунов: техник мухандис,**

**Ж.Акбаров: бош хисобчиси,**

**Ш.Абдуллаев: товар моддий қийматликлар бўйича хисобчи.**

Ўзбекистон Республакаси Президентининг **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684** сонли ***"Давлат харидлари тўғрисидаги"*** ги қонунига мувофиқ 2022 йил 18 май куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 88164 рақамли Фуркат тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан **Калдушон МФЙ Қум кўча 0.208 км,Обод кўчаси 0.219 км, Олмазор 0.200 км,Сой кўчаси 0.300 км, жами 0.927км ички йўлларни жорий таъмирлаш** ишларини бажариш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 18.05.2022 йилдан 03.06.2022 йил кунигача **5** иш кунига эълон жойлаштирилган**.**

Ушбу эълон бўйича 03.06.2022 йилгача 2 нафар қурилиш сохасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди. Жумладан:

"Қўқон йўл таъмир " МЧЖ,

“O’zbekiston TYFUK” лар томонидан таклифлар келиб тушган.

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқиб бахоланган ва 2 иш куни мобайнида мухокамага қўйилган. 07.06.2022 йил кунигача 2 иш куни мобайнида хеч ыандай эътирозлар келиб тушмади. Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Калдушон МФЙ кўчаларини тоза ичимлик сув таъминоти тизимини мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ғолиб деб топилган " Қўқон йўл таъмир " МЧЖ,билан тузишга келишилди.

**Бош мухандис:** **Н.Хайдаров**

**Техник мухандиси:** **Р.Турсунов**

**Товар моддий қийматликлар бўйича хисобчи:** **Ш.Абдуллаев**

**Бош хисобчи:** **Ж.Акбаров**